

ИНСОНИЙЛИК ФЕНОМЕНИНИ ОНТОЛОГИК КОНТЕКСТДАГИ ТАЛҚИНИ  
ВА ТАВСИФИ (ИНСОНИЙЛИКНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МУАММОСИНИ  
ДОЛЗАРБЛАШУВИ)

Самаров Рустамжон Садриддинович

психология фанлари номзоди (*PhD*), фалсафа фанлари доктори (*DSc*),  
профессор

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ И ОПИСАНИЕ ФЕНОМЕНА ЧЕЛОВЕЧНОСТЬ В  
ОНТОЛОГИЧЕСКОМ КОНТЕКСТЕ (АКТУАЛИЗАЦИЯ ПРОБЛЕМЫ  
ФОРМИРОВАНИЯ ЧЕЛОВЕЧНОСТИ)

Самаров Рустамжон Садриддинович

кандидат психологических наук (*PhD*), доктор философских наук (*DSc*)  
профессор

INTERPRETATION AND DESCRIPTION OF HUMANITY PHENOMENON IN  
ONTOLOGICAL CONTEXT (ACTUALIZATION OF THE PROBLEM OF THE  
FORMATION OF HUMANITY)

Samarov Rustamjon Sadriddinovich

Doctor of Philosophy in Psychology (*PhD*). Doctor of Philosophical Science (*DSc*),  
professor

**Аннотация:** Инсон сиймосида инсонийлик сифатларини шакллантириш илмий мунозараларнинг азалий мавзуси ҳисобланиб, теологик, бадиий, фалсафий, психологияк, социологик тадқиқотлар доирасида ўрганиб келинмоқда. Инсонийлик сифатлари динамик ҳисобланиб, динамийлик сифат характеристикасини белгилашда ифодаланаади. Аммо, баъзида инсонийлик сифатларига статик тарзда муносабатда бўлиб, маданий экспанция жараёнида атомар индивидлар синфини шакллантиришга қаратилган ҳаракатларга ғов қўйиш ҳолатлари бекор кетаётганлиги қузатилади. Мақолада, инсоний сифатларни шакллантириш асосида жамият маънавий ҳаётини мазмундорлигини таъминлаш ҳақида фикр юритилади.

**Калит сўзлар:** инсонийлик, маънавий интеллект, психик ҳолат, психик жараён, рухият хотираси, рухий тарбия, маънавиятли инсон, инқироз, Инсон концепцияси, атомар индивид, теологик ёндашув, инсоний сифатларни такомиллаштириш, маънавий манба, психологик таркиб, сифатлар назарияси, инсоний сифатларни такомиллаштириш, психокорекция, тиббий бўлмаган психотерапия.

**Абстрактный:** Формирование человеческих качеств в человеческой фигуре считается извечной темой научных дискуссий и изучается в рамках богословских,

художественных, философских, психологических, социологических исследований. Человеческие качества считаются динамическими, а динамизм выражается в определении качественной характеристики. Однако иногда наблюдается, что качества человечества трактуются статично, а в процессе культурной экспансии усилия, направленные на формирование класса атомных людей, сводятся на нет. В статье рассматривается вопрос о том, как обеспечить осмысленность духовной жизни общества на основе формирования человеческих качеств.

**Ключевые слова:** человечность, духовный интеллект, психическое состояние, психический процесс, психическая память, духовное образование, духовная личность, кризис, Концепция человека, атомарный индивид, богословский подход, совершенствование человеческих качеств, духовный источник, психологический состав, теория качеств, улучшение человеческих качеств, психокоррекция, немедикаментозная психотерапия.

**Abstract:** *The formation of human qualities in the human figure is considered an age-old topic of scientific discussions and is being studied in the framework of theological, artistic, philosophical, psychological, sociological studies. Human qualities are considered dynamic, and dynamism is expressed in defining the quality characteristic. However, sometimes it is observed that the qualities of humanity are treated statically, and in the process of cultural expansion, efforts aimed at forming a class of atomic people are canceled. The article discusses how to ensure the meaningfulness of the spiritual life of society based on the formation of human qualities.*

**Key words:** humanity, spiritual intelligence, mental state, mental process, mental memory, spiritual education, spiritual person, crisis, Concept of Man, atomar man, theological approach, improvement of human qualities, spiritual source, psychological composition, theory of qualities, improvement of human qualities, psychocorrection, non-medical psychotherapy.

Тирик мавжудотларнинг силсилавий занжирида Инсон асосий маҳзан ҳисобланиб, хушбахтлик чоғида завқ уловчи, қайғу ва аламли дамларда у бошқа бир инсонга “эмоционал тиргак”, “руҳий далда” ва қайғуришда ҳамдард, мушқул дамларида шерик, жонзотларга эса ғамхурлик кўрсатиб, табиатни ардоқлаб, бошқача қилиб айтганда меҳр узатиб ҳаловат оловчи, ғамхурлик кўрсатиб саодат топувчи, бунёд этиб (экиб) – ўстирувчи, парвариш қилувчи ҳилқат ҳисобланади. Айнан, муносабатлар тизимига киритилганлиги сабабли инсон турли ижтимоий ролларни бажаради, ўзининг ҳаёт тарзини белгилаб, маълум ижтимоий мавқеъни эгаллайди. “У (Инсон – Биздан), ўзининг ғоялари ва маслагига шу даражада боғланиб қоладики, бошқалар учун осонликча ўз манфаатларидан воз кечиб, ҳаттоқи ҳаётидан ҳам ажралишга тайёр туради”<sup>1</sup> деганда, Эронлик профессор, Исломий теология ва Тақво психологияси бўйича

<sup>1</sup> Мутаххари М. Человек и вера. Человек с точки зрения Корана. - М.: «Исток»; Серия «Знакомство с исламом», 2009. –С.15.

мутахассис Оятулло Муртазо Мутаҳҳари ижтимиоий-биологик мавжудотда, аниқроғи инсон сиймосида қадрли сифатларни ифодаланишини назарда тутиб, инсонийликни намоён этиш учун инсондаги ғояни мазмундорлиги, жисмоний тананинг маънавий-руҳий маъносини таъминланишини назарда тутган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф инсонийликни таъминловчи диний-фалсафий манбаларни камолотни таъминлашдаги ўрнини алоҳида кўрсатиб, жисмоний ва руҳий тарбия масаласи тарихий-фалсафий ва тарихий-психологик жиҳатдан долзарб мавзулардан саналишини, “Аммо нафсни поклаш (руҳиятни – Биздан) ва ахлоқни сайқаллаш (хулқ-атворни – Биздан) бўйича асосий илмий ишларни Қуръони Карим ва Набий соллаллоҳу алайҳи вассаламнинг суннатлар асосида фақиҳ, муҳаддис ва руҳий тарбия уламолари олиб борган<sup>2</sup>”ликларини “соғлом эътиқодни шакллантириш – ақли расоликка эришиш = маънавий етакловчи” контекстида кўрсатиб ўтган.

Инсон томонидан ибратли сифатларнинг моҳият ва мазмунини ифодалашда, сифатлар турли маъноларга эгалигини асослашда уни жабҳаларига алоҳида назар солиш лозим бўладики, шунда Шахс камолоти моделларини нафақат тузилишини, балки унинг асл моҳиятини англаш таъминланади. “Инсон камолотига доир бўлган моделлар мазмун ва моҳиятига кўра жамият ҳаётида инсон омили билан боғлиқ муаммоларни ечишгагина эмас, балки уларни маданийлашувини таъминлашга қаратилган бўлиб, инсон табиати ижтимиоий муҳитда, экзо ва эндо омилларнинг таъсири асосида вужудга келишини эътироф этади<sup>3</sup>”. Инсоний сифатларни маданий мазмундорлигини талқин этишда уларни миллий (шу жумладан этник), диний ва умуминсоний қадрият тарзида тавсифлаб, билим, эътиқод ва ишонч фароғатни таъминловчи бирдан бир манба саналишини инобатга олиш лозим. Физик ва файласуф олим, инсон психологиясига доир асарлар муаллифи Сергей Хоружий бу масалага синергетик антропология назари билан эътибор қаратиб, “антропологик ёндашув мазмунан “инсонийликни кўрсатиб берувчи” (Бизнингча - қўзгу, акс эттирувчи) жиҳати бўйича фаолиятли ёндашув билан бир хил<sup>4</sup>” деган холосага келган. Яъни, антропологик ёндашув инсон фаолиятини реал тавсиф этиб, фаолиятнинг мақсадлари асосида аҳамиятдорлигини ифодалаб беради. “Тарбия маълум ёшга етгач тўхтамайди. Барчамиз яхши биладиган “Бешикдан лаҳадга қадар илм эгалла” дейилгувчи ҳадиси шариф бизларни шунга даъват этади. Алҳол, илм олиш ҳам тарбиянинг муҳим асосидир<sup>5</sup>” дея, Тоҳир Малик (Ҳобилов Тоҳир Абдумаликович) инсонда инсоний сифатларни ифодаланиши, инсон учун зарарли ва фойдали бўлган одатларни билиши, инсонни ўзига ва атрофдагиларга нисбатан муносабат стратегиясини белгилашда тафаккур маданиятига амал қилиш учун қадриятли идрок этиш лозимлигини назарда

<sup>2</sup> Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия – Покланиш китоби. – Т.: Hilol-Nashr, 2020. -Б.18.

<sup>3</sup> Samarov R.S., Amirxo'jayev Sh.Q., Sadreddinov S.R. Inson kamolotini ta'minlashda nazariy ta'limalar: konseptual asoslarining takomillashuvini metodologik jihatlari // Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник НамГУ - NamDU ilmiy axborotnomasi. 2024-yil, 1-son. – В.187.

<sup>4</sup> Хоружий С.С. Очерки синергийной антропологии. - М.: Институт философии, теологии и истории св. Фомы, 2005. –С.18.

<sup>5</sup> Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” – “Хусну хулқ” (Ахлоқ китоби). – Т.: Sharq, 2018. –Б.22.

тутган. Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф, Муртазо Мутаҳҳари, Сергей Хоружий, Тоҳир Малик ва бошқаларнинг ёндашувларини бош ғояси инсонийликни мазмунини ифодалаш, инсоний сифатларни таъминлаш, инсонийлик мажмуасини хусусий таркибларини шаклланиши ва ривожланишини белгилаш, унинг манбаларини асослаш ҳисобланади. Инсон, табиатан жисмоний тана ҳамда маънавий ва психологияк тузилмалардан таркиб топган бўлиб, жисмоний тарбия машқларини бажариш, маънавий етуклигда эришиш тартиботига амал қилиш ва психологияк ривожланиш психотехникаларини бажариб, инсонийлик сифатларини эгаллашга ва уни ривожлантиришга, турли таълимотлар асосида яратилган инсонни идеал модели билан танишиб, психокоррекция ва тиббий бўлмаган психологик терапия воситасида ўзининг ички дунёсига “ғулғула солган тўфон” алансини ўчириб, хулқида ифодаланган турли оғишларни силлиқлашга, маънавий ноқислик ва психологик нуқсонни ислоҳ қилишга ҳаракат қилувчи, камол топувчи ижтимоий-биологик хилқатдир. Фан, турли назариялар мажмуасини ифода этиб, ўз навбатида назария тушунча ва категориялар тизимидан таркиб топган бўлади. Инсонийликни таъминлаш мавзуси нафақат азалий теологик антропологиянинг тадқиқот предмети ҳисобланади. Балки, фалсафа ва психология фанларининг маданий-қадриятли, жозибадорлиги ҳамда нотакрор амалий мазмунга эга эканлиги жиҳатидан доимий ўрганиб келинаётган тадқиқот предмети ҳисобланиб:

- а) қисқа муддатли психик жараёнларнинг (идрок, хотира, тафаккур ва бошқалар) вужудга келиши ва кечиши;
- б) психикани тизимли реакциясини ифодаловчи (тетиклик, чарчоқ, фаолик, пассивлик, кайфият ва бошқалар), яъни психик ҳолатни намоён бўлиши;
- в) шахснинг психологик таркибларининг (ёшнинг ўзгаришлари, организмнинг ҳолати, ижтимоий таъсир (тарбия, таълим) ва бошқалар) динамиклигини кўрсатувчи;
- г) ижтимоий муҳитнинг (оила, маҳалла, таълим-тарбия муассасалари, ишлаб чиқариш жамоалари ва бошқалар) ўзгаришига ижтимоий-биологик организмни мослашувини таъминланиши билан маданий-психологияк моҳият касб этади.

Моҳият, иккиламчи мазмунга эга бўлиб:

- бир томондан, ижтимоий онгнинг алоҳида таркиби сифатида субъектни ҳаёт-фаолияти давомида интериоризациялашади;
- иккинчи томондан, индивидуал онгни шакллантирувчи ҳисобланиб, рефлексияни – инсонни ўз қарашлари, ҳис-туйғулари, хулқ-атворига диққат қаратиб, қарорга келишини ва қарорнинг истиқболда амалий аҳамият касб этишини баҳолашни таъминлайди.

Бу жараёнда “Мен-концепция” сифатида ҳаракат манбааси ва субъекти тарзида иштирок этади. Шу жиҳатлари билан ҳам, инсоний сифатларни ўзида мужассам этган ибратли хулқ-атворни шакллантириш мавзуси, гурух, жамоа, жамоат ва жамият миқёсида инсонийлаштириш ғоясини долзарблашувини

таъминлайди. Фикримизча, хулқ-атвор – ҳаракат, биологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжни қондириш, ижтимоий муҳитни ўзгартириш ёки унга мослашишни таъминловчи, инсон организмининг яхлит мажмуавий ҳолати саналади. Хулқ-атвор намунаси мақсади жиҳатидан бирон бир эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлади. Бунинг натижасида ташқи муҳитни ўзгариши ёки ижтимоий-биологик организм ижтимоий муҳитнинг талабларига мослашади. Маданий экспансия доирасида атомир индивидлар, шарафсиз одамларни шакллантириш асосида истеъмолчилар синфини шакллантиришга қаратилганлигини инобатга олсак. Инсонийлик феноменини турли жиҳатларини ўрганиш, инсонийлаштиришга доир бўлган таълимотларни такомилаштириш асосида инсонни салбий таъсирларга тушмаслиги учун психологик ҳимоя механизмини ишлаб чиқишиңи тақозо этмоқда. Бу ҳолат ўз навбатида:

- а) инсонни ибратли сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришни илмий-назарий асослаб, намунали инсоний сифатларни шакллантириш механизмини парадигмавий моделини ишлаб чиқиши;
- б) инсонни камол топиш жараёнини даврий кўрсаткичларини, камолотни таъминлаш манбаларини функционал аҳамиятдорлигини белгилаб, миллий (этник), диний, ҳудудий каби хусусиятларни яхлит ижтимоий организм сифатида идрок этиб, маърифий тадбирларни илмий асосини мустахкамлашни тақозо этади.

Психологик ҳимояни таъминлашда, эҳтиёж, талаб ва ижтимоий идеал каби хоссаларни функционал аҳамиятдорлигига алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Инсон, инсоний ва инсонийлаштириш категориялари ҳажмининг кенглиги, семиотик (белги ва мазмун) ва семантик (маъновий) жиҳатлари бўйича дунё фанида турли илмий ёндашув ва методлар воситасида ўрганиб келинмоқда. Гоҳида формал муносабатларни статистик кўрсаткичини таъминлашга интилишларнинг авж олганлигини, баъзида эса билиш қонуниятлари ва тамоийллари ҳамда аниқ назария асосида бу мавзуларга ёндашилаётганлигини кузатиш мумкин. Инсонни танада мавжудлиги, уни яхлит ижтимоий-биологик организм тарзида амал қилиши инсонни ўзини асраш ва ривожлантиришга қаратилган. Инсон озиқланиш (шу жумладан маънавий), ҳаракатларни амалга ошириш ва репродуктивликни таъминлашни, яъни наслини давом эттиради. Психика (дунё манзарасини онгда инъикос этиш, билиш, коммуникатив муносабатларни таъминлаш, тартибга келтириш) – жалб этувчи мазмун касб этиш, ҳиссиёт (салбий, ижобий) – қўзғатувчи манба, истак (мотив) – ҳаракатга келтирувчи ирода кучи ва туртки (онгли тарзда хулқ ва фаолиятни тартибга келтириш, ички-руҳий ва ташқи мазмундаги қийинчиликларни енгиш) - маънавий кучларни йўналтирувчи каби таркиблардан тузилган бўлиб, психика ақлни билимга нисбатан эҳтиёжини қондириш, ҳиссиёт эса қайғуриш, истак эса амалларни бажариш учун иштирок этади.

Психологик антропология бўйича мутахассис Татьяна Евгеньевна Седанкина бу мавзуни назарий-методологик жиҳатдан “Қадриятларни натуралистик назария”<sup>6</sup> асосида таҳлил қилишни таклиф этган бўлса, психология фанлари доктори Владимир Петрович Андронов бу мавзуни “Инсон маънавиятининг психологик таркиби” эканлигини белгилаб, теологик антропологиянинг асосий тамойиллари бўйича инсонда кечадиган ахлоқий жараёнларни “Худонинг қаҳридан қўрқиши” тарзида кечишини кўрсатиб ўтган<sup>7</sup>. Сўнгиси, бевосита ирода кучи ва уни ифодалашда ижтимоий-маданий меъёрлар ва қадриятлар тизимини шаклланганлиги билан бевосита боғлиқ бўлиб, “Соғлом эътиқод – Ақли расо - Фароғатли ҳаёт тарзи - Ахлоқ психологияси” каби мантиқий алоқадорлик ғояларни ифода этадиган эпистоляр меросларни жамият маънавий ҳаётини таъминлаш нуқтаи назари асосида ўрганишни тақозо этади. Бу масалани ўзбекона этномаданий хоссалар хусусиятларини барча жозибадорлигини инобатга олган ҳолда Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” асарида одамийликни таъминлаш манбалари ва уларда ифодаланган ғояларни теологик-бадиий тарзда тизимлаштирибина қолмасдан, инсонийлаштириш жараёнини (китобхонлар, устозлар ва воизлар намунасида) мазмунан бойитишга ҳисса қўшган<sup>8</sup>. “Инсон галдаги камолот босқичига қадам қўяр экан, шахсий ёки жамоавий тарзда турли характер ва қўринишдаги зиддиятлар, тушунмовчиликлар, қийинчиликлар билан юзлашиб<sup>9</sup>”, гоҳида уларнинг таъсирига тушиб қолади. Баъзида эса, уларга қарши туриб, иродасини янада ҳам чиниқтириб, ўзининг ҳаёт мақсади сари комилликка интилиб яшашни давом эттиради. Бу кўрсаткич, унинг руҳият дунёси (*ataraxia*) ва ички эркинлиги (*autarkeia*), инсонни “Мен”ини таъминлаб, дидактик аҳамиятдорлиги бўйича ўрганилиши лозим бўган мавзулар сирасига киради. Когнитив психология ва эргономик назариянинг асосчиларидан бири Владимир Петрович Зинченко “Руҳият тарбияси – азалий муаммо. Ҳар бир янги авлод уни ечим йўлларини излайди. Агарда, инсоният ҳали ҳам мавжудлигини назарда тутсак – изланаётган йўллар топилмоқда, аниқланмоқда<sup>10</sup>” деб ёзади. Бу ўринда Десмонд Кингнинг “маънавий интеллектга доир ёндашувларни қайта тизимлаштириш<sup>11</sup>” ҳақидаги ғояси эътиборли саналади. Маънавий интеллект ҳақидаги даъво ва тасдиқлар аниқ психологик модел (масалан, Теологик, Шарқ ва Farb қўринишида) намунасида меъёрланиши лозим. Шунда ўлчов бирлигига эга бўлган психологик индикаторлар аниқланиб, дидактик мазмундорлик таъминланади.

Диний аксиологияга доир ишларнинг муаллифи Т.Е.Седанкина инсонни маънавий асосига эътибор қаратиб, маънавиятни инсонни табиат ва жамиятга

<sup>6</sup> Седанкина Т.Е. Психология духовного развития: учебное пособие. – Казань: ИД «Меддок», 2020. –С.7.

<sup>7</sup> Андронов В.П. Психология духовности человека // Вестник МГУ. 2007, №2. – С.42.

<sup>8</sup> Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” – “Хусну хулқ” (Ахлоқ китоби). – Т.: Sharq, 2018. – 936 б.

<sup>9</sup> Самаров Р. Таълим тизимида дин психологияси (тизими-функционал ёндашув) // Замонавий таълим. 2013, 8-сон.– Б. 25-26.

<sup>10</sup> Зинченко В.П. Размышления о душе и её воспитании // Вопросы философии. 2002, №2. -[https://psychlib.ru/mgppu/Zro-001/Zro-001.htm#\\$p3](https://psychlib.ru/mgppu/Zro-001/Zro-001.htm#$p3)

<sup>11</sup> King D. Rethinking claims of spiritual intelligence: A definition, model, and measure // Master’s Thesis, in preparation. Trent University, Peterborough, Ontario, Canada, 2007. –Pp.76.

нисбатан қараши, “дунёни қўриш кўзи” билан ўзига ҳамда ички дунёсига назар солиш тарзида ўрганишни таклиф этади<sup>12</sup>. Бизнингча, маънавиятни функционал амал қилиши, шаклланиши ва ривожланишига доир теологик, онтологик, антропологик ва метафизик ёндашувлар асосида муносабат билдириш масаласи ўз поёнига етмайди. Бу мавзу, интегратив ёндашув тарзида ҳам тадқиқ этилиб, ибратли намуналар яратилади. Ориятсизликни ўзини психологик нуқсонларини ёпиш, қондирилмаган ижтимоий талаб ва эҳтиёжларини ифодалаш тарзи деб билган, ижтимоий табу (таъқиқ) саналган, яъни ўзининг яқинлари ҳақидаги маълумотларни оммавийлаштириб, уларнинг айрим қусурларини гўёки аниқлаб, “қусурларни фош қилишни ўзини психологик нуқсонлардан халос бўлиш йўли” деб баҳоланиш натижасида “шарафсиз одам” типи намоён бўлади. Дунёда маданий экспансия жараёни давом этар экан, ўзининг психологик нуқсонларини англамайдиган индивидлар бор экан бу ҳолатлар кузатилаверади. Натижада индивидуал маънавий тизимни деформациялашуви кузатилади. Назаримизда, маънавиятли инсоннинг концептуал модели яратмагунига қадар, ижтимоий-психологик ҳимоя тизими жорий этилмагунча илмий мунозаралар турли илмий мактаб ва таълимотлар ёндашуви асосида давом этиб, мавзуга доир билиш жараёнини амал қилиши таъминланади.

Инсон камолоти, инсонийликнинг такомиллашуви ва инсонийлаштиришни таъминлашга қаратилган теологик, бадиий, фалсафий, социологик, психологик, педагогик, биологик, ҳуқуқий каби концепцияларнинг назарий ва амалий аҳамияти ҳақида илмий мунозаралар юритилмоқда<sup>13</sup>. Баъзан, мунозаралар “умумийликни талқинини амалга ошириш давомида ким фаоллик кўрсатади?” тарзида кечиб, мавжуд концепцияларни тарихий вақт ва макон хоссалигини инобатга олмасдан, уни таълим-тарбия тизимида қўллаш мақсадга хослиги ёки хос эмаслиги масаласини шунчалик иккинчи даражали масалалар қаторига киритиб қўйиш тарзида қолиб кетади. Натижада концепцияларни таълим-тарбия амалиётида қўллашнинг психологик-педагогик, ҳуқуқий ва иқтисодий жабҳаларини ифодаловчи механизм ҳақида хусусий маъно касб этадиган, ментал хосликни назарда тутган ҳолда аниқ нуқтаи назар билдирилмай қолади. Илмий нуқтаи назар билан инсон турли фан доирасида ўрганилиб, унга доир алоҳида концепциялар яратилган ва яратилиб келмоқда. Бунда, асосий эътибор нуқтаси самимиятли бўлиш, саодатга интилиш, садоқатли бўлиш учун рағбатни амал қилишига (SSSR) қаратилганлиги жиҳатидан:

концепциянинг амалий мақсади: - инсонни ижтимоий-маданий муносабатларга киришишини таъминлаш учун, унда шаклланиши шарт бўлган

<sup>12</sup> Седанкина Т.Е. Психология духовного развития / Учебное пособие. – Казань: ИД «Меддок», 2020. – 140 с.

<sup>13</sup> Ждан А.Н. История психологии: от античности до наших дней. – Москва: МГУ, 1990., Александр Ф., Селесник Ш. Человек и его душа. Познание и врачевание от древности и до наших дней. – М.: Прогресс, 1995., Степанов С.С. Мифы и тупики поп-психологии. – Дубна: Феникс, 2006., Guven M. An analysis of the vocational education undergraduate students' levels of assertiveness and problem-solving skills // Procedia Social and Behavioral Sciences, 2010, 2:20. –Pp.64–70., Taghavi T., Sharifi N., Aghajani M., Mehran A. Relation between assertiveness and anxiety in nursing and midwifery students // Journal of Hayat, 2010, 15. –Pp. 61–72., Samarov R.S., Amirxo'jayev Sh.Q., Sadreddinov S.R. Inson kamolotini ta'minlashda nazariy ta'limotlar: konseptual asoslarining takomillashuvini metodologik jihatlari // Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник НамГУ - NamDU ilmiy axborotnomasi. 2024-yil 1-son. –B.184-188.

эталонли (шу жумладан, этник ва касбий) сифатларни майший, ижтимоий ва касбий ҳаётда ифодаланишини ўргатиш;

концепциянинг тарбиявий мақсади: - маънавий онгни шакллантириш учун билим бериш, кўнишка ва малакаларни шакллантириб, инсон қадрият эканлигини англаш йўлини белгилаб беришни, ижтимоий муносабатлар тизимида маъновий жабҳаларга, яъни суратга эмас, балки сийратга эътибор қаратишни ўргатишни таъминлаш;

концепциянинг таълимий мақсади: - ақлий фаолит юритишга тайёрлаш, тафаккур, эмоционал ва идрок маданиятини таркиб топтириб, жисмоний, маънавий ва психологик ривожлантиришни таъминлаб, ўзи ва атроф-муҳитни англашни ўргатиш;

концепциянинг камолотни таъминлаш мақсади: - инсонни интеллектуал, эмоционал ва мотивациявий сатҳларини ривожлантириб, инсонда ибратли сифатларни шакллантириб, ички эркинликка эришишни таъминлаш;

концепцияни оммавийлаштириш мақсади: - инсоният тарихида “Ибратли инсон”, “Намунали инсон”, “Маънавиятли инсон”, “Олий идеал”га оид ғояларнинг муаллифини эътироф этибина қолмасдан, индивидуал маънавий дунё ва психологик манзара, жамият маънавий ҳаётини такомиллаштиришда бу таълимотни ижтимоий-маданий аҳамиятдорлигини инобатга олиш кабиларни таъминлаш.

Онтологик контекстда инсонийлик феномени ва инсонийлаштириш ҳақида фикр юритишида концепциянинг амалий ва тарбиявий мақсади, таълимий ва камолотни таъминлаш ҳамда оммавийлаштириш мақсадига алоҳида урғу бериш мақсадга мувофиқдаир. Шунда, Инсон камолотини таъминлаш учун таклиф этилаётган концепциянинг маданий-психологик аҳамиятдорлиги таъминланади. Инсонийликни таъминлашда индивидуал маънавият асосий манба саналиб, уни структуравий-функционал аҳамиятдорлиги бўйича “Инсонни мақсади + Реал эътиқоди + Билими + Интеллекти + Ақли + Орзу-умидлари + Хотираси + Дири + Тамизи<sup>14</sup> + Туйғулари + Ўзига ва атрофдагиларга бўлган муносабати + Қадриятлари = Индивидуал маънавият” кўринишидаги концепция сифатида кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шундаки, жисмоний танадаги инсонийликни, яъни унинг мазмунини маънавият таъминлаб, инсон қанчалик маънавиятли бўлса, бу жозиба унинг тафаккур тарзида, хулқида, ўзи ва атрофдагиларга, предметларга бўлган муносабати ҳамда ташқи қиёфасида ифодаланади. Негаки, маънавият вазифадорлиги жихатидан инсонни сурати ва сийрати орасидаги мувозанатни таъминлайди. Концепцияни семиотик ва семантик жиҳатларига онтологик контекст тарзида эътибор қаратсак, бунда инсонда:

мустаҳкам психологик соғлиқга эгалиги;

ҳаётий мақсадини маданий мазмун касб этган тарзда шакллантираолиши:

<sup>14</sup> Тамиз (تعزیز) ёмонни яхшидан ажратиш, фарқлай олиш. Ақлу идрокка таяниб, аниқ вазиятга оид соғлом муносабат билдириш ҳодисаси.

маънавиятни мазмундорлигини қадрлай билиши;  
фароғат манбаасини эъзозлай билиши;  
турли зўриқишларни осонликча енгиши;  
ўзи ва атрофдагилар ҳақида ижобий тасаввурга эканлиги;  
бошқаларга меҳр кўрсата олиши;  
ўзига юқори баҳо бериш билан, бошқаларни қадрлай олиши;  
ижтимоий муносабатларда самимий, садоқатли ва саодатлиликини ифодалай олиши ҳамда унга амал қилиши;  
янги вазиятларга мослашувини секин кечиши;  
хулқ-авторини ислоҳ қилишга интилиши, идрок ва тафаккур маданиятини ўстириши кузатилади.

Инсон бутун умри давомида таълим-тарбия, адабиёт ва санъат воситасида камолотга эришиш учун интилсада<sup>15</sup>, бунда мослашувчанлик алоҳида ўрин тутади. Ўзлаштирилган ва орттирилган билимларининг ҳосиласи сифатида инсон ижтимоий муҳит (оила, маҳалла, жамоа ва жамоат аъзолари) билан маълум муносабат тарзини йўлга қўяди (адаптациогенез). Шу сабабли, инсонни маънавиятлилик даражаси айнан, унинг ўзини жорий ҳолати ва келажагига оид бўлган мақсади, реал эътиқоди, билими, ақли, орзу-умидлари, диди, тамизи, туйғулари, ўзига ва атрофдагиларга бўлган муносабати, қадриятлар тизими каби хоссаларни жисмоний танасида мужассамлашганлиги ҳисобидан “маънавияти юқори” ёки “маънавияти паст” каби иборалар воситасида тоифаларга ажратилади. Бунда, ажратувчи сифатида юқорида кўрсатиб ўтган хоссалар баҳо мезонини таъминлаш учун кўрсаткич сифатида танланади. Фикримизча, буни турли сабаблари мавжуд бўлиб, умумлаштирилган тарзда:

- биринчи сабаб, инсонийлик ва инсонийлаштиришнинг моҳиятини мифологик, теологик, тарихий-ахлоқий, тарихий-эстетик, тарихий-бадиий баён тарзида амалга оширилганлигида;

- иккинчи сабаб, инсонийлик ва инсонийлаштиришнинг функционал структурасини фақатгина ўлчов бирлигига эга бўлган усуллар воситасида ўрганилмасдан, яъни жорий ҳолатини белгиламасдан (ёки баҳо бермасдан), уни идеал ҳолатга келтиришга зўр бериш ҳолатларини кузатилишида;

- учиничи сабаб, инсонийлик ва инсонлаштиришни жамият маънавий ҳаётининг реал талаб ва эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда фалсафий, социологик ва психологик жиҳатдан кам ўрганилганлиги натижасида, уни структураси ва таркибий қисмларини алоқадорлиги имманент тарзда қолиб кетганлигига деб кўрсатиш мумкин.

Оксфорд университети профессори Ник (Никлас) Бостром инсон камолотини таминалашни “аралashiш (ташқаридан, коррекцияни амалга ошириш, инсонийлик сифатларини эгаллашга чорлаш - Биздан) деб ҳисоблаб, аралashiш ҳисобидан инсон организмининг баъзи тизимостиларини базавий

<sup>15</sup> Самаров Р. Инсон камолотини таминалашда адабиёт: структуравий-функционал жиҳат // Ўзбекистонда хорижий тиллар. Илмий – методик электрон журнал. №1 (15) / 2017. –Б.188-195.

ҳолатидан юқорига қараб ривожланишини ёки инсон организмида олдин мавжуд бўлмаган, мутлақо бошқа (янги) тизимостини амал қилишини<sup>16</sup> назарда тутган. XX асрнинг 50-йилларида америкалик персонолог Жорж Александр Келли “Шахс когнитив назарияси” доирасида инсонийликни шакллантириш амалиётида (психологик амалиётда) бошқа инсон нигоҳи билан дунёни идрок этиш ва унинг ҳолатига кириш усулини тавсия этган<sup>17</sup>. Ж.А.Келлининг кўзланган мақсади, алоҳида шахс ўз ҳаётини қай тарзда шарҳлаши, келгусида ҳаёт-фаолияти қайси тартиб асосида ривожланишини прогнозини амалга ошириб, истиқболда ўзини психологик ҳолатини регуляциясини таъминлашни ўргатишдан иборат бўлган. Агарда, инсонийлик сифатларини шакллантириш контекстида инсонни ўзига бўлган муносабатини икки қутбли қўриниш тарзида кечишини инобатга олсак. Бунда, инсонни ўзига нисбатан:

ички дунёсини тарк этган – ички дунёсини тарк этмаган;  
 қадриятли – қадриятсиз;  
 маънавиятли – маънавиятсиз;  
 никобсиз – никобли;  
 номусли – беномус;  
 ориятли – ориятсиз;  
 ҳурматга сазовор – ҳурматга сазовор эмас;

эҳтиромли – эҳтиромсиз каби тарзида амал қилишини инобатга олсак, инсонийлик каби ҳиссий-қадриятли сифатларни шакллантиришда (психокоррекция ва нотиббий психотерапия амалиётида) субъектни ўзига нисбатан “Мен ↔ Мен эмас” тарзидаги муносабатида, “Барча ноқислигим билан бу Мен = Мен, ноқисликларимни ислоҳ қила оламан” тарзида қабул қилиши психологик фаолият (психологик маслаҳат, индивидуал психокоррекция, психологик тренинг ва бошқалар) давомида ибратли сифат ва хулқ-атвор намуналарини эгаллаш жараёнини самарали кечишини таъминлашда асосий манба саналади.

Шахсий сифатлар тузилмасини валидлиги шахснинг прогностик қобилиятини самарадорлиги билан белгиланади. Шахсий тузилмалар хулқ-атворни ташкил этади ва тартибга келтиради, объектларни хусусийлик ва умумийлигини тушуниш орқали муносабатлар тизимини қайта тиклаб, “Мен сиймосини”ни шакллантиради. Шахснинг барча таркиби биополяр ва дихоматик (масалан, яхши-ёмон) мазмун касб этиб, уларнинг ҳар бири эмержентли (таркибларнинг ўхшаш эканлиги) ва имплицитли (контраст полюсли) яъни, қарама қарши полюсга эга хиобланади. Тузилма, назарий белгиланади ёки қузатилган ҳодиса ва объектлар асосида ифодаланиб, билдириладиган тилнинг онтологик мавқеъини аниқ сақлаб, мантиқ қонуниятлари асосида қатъий чегараланганди. Тузилма эмпирик билимдан концептуал билимга ва аксинча, эмпирик тил ва мантиқни назарий тил ва мантиқга ўгириш вазифасини

<sup>16</sup> Bostrom N. Dignity and Enhancement/ Oxford Future of Humanity Institute. -<https://nickbostrom.com/ethics/dignity-enhancement.pdf>

<sup>17</sup> Келли Дж.А. Теория личности. Психология личностных конструктов. - Санкт-Петербург: Речь, 2000. - 249 с.

бажаради. Психологик тузилмаларда учта унсур ва уларнинг бири, мутлақо бошқа, яъни бу иккитасига ўхшамаслиги билан ажралиб туради. Ўхшашлик ва ўхшамаслик аниқ психологик тузилмада ифодаланади. Муносабат билдирилмасдан ёки маълум хулқ-автор намунасини ифода этишга қадар шахс, релевант бўлган тузилмалардан мақбулини танлаб олиши лозим бўлади. Мазкур ҳолатни инсонни ўзига бўлган муносабатида ифодаланишини Лев Семёнович Выготский интрапсихик соҳага ўтиш механизми сифатида кўрсатиб ўтган<sup>18</sup>. Бунда, инсоний сифатларни эгаллаш юқори маънавий даражадаги интилиш ҳисобланиб, индивидуал маънавий эҳтиёж сифатида инсоннинг мақсадида ифодаланиши даркор. Назаримизда, ижтимоий-маданий мазмундорлиги бўйича муносабат биологик, маданий ва психологик мазмун касб этиб, Америкалик когнитолог Дэниел Клемент Деннет бу масалага “шахсий психикани билиш” мазмунида ёндашиб, “Мен Сизга мурожаат этганимда, Сизни ҳам, ўзимни ҳам психика соҳиблари синфида кўраман<sup>19</sup>” деб, муносабатлар тарзидаги мезонларни сақлаш ва идрок этиш мураккаблигини, ижтимоий ролларни бажариш динамикасини ифодаланишини кўрсатиб ўтан. Инсонни муносабати биологик, маънавий-маданий ва психологик жабҳалардан таркиб топган бўлиб, бунда:

Биологик мазмун кўрсаткичи бўйича инсонни:

- ўзининг жисмоний характеристикасига (суратига) муносабати;
- ўзининг тана аъзоларининг (бармоқларининг узунлиги, кўзининг катта ёки бодомкўзлиги) тузилишига муносабати;
- ўзининг организмининг (тез оч қолиши, парҳезли таомларни истеъмол қилиши) функциясига муносабати;
- ўзининг функционал-физиологик иқтидорига муносабати;
- ўзининг биологик эҳтиёжларини қондирилган ёки қондирилмаганлигига муносабати.

Маънавий-маданий мазмун кўрсаткичи бўйича инсонни:

- ўзини аниқ маданият (миллий, этник) вакили эканлигига нисбатан муносабати;
- ўзининг ижтимоий мавқеъига бўлган муносабати;
- бошқа инсонларни ундан, уни бошқа инсонлардан кутувларига муносабати;
- маънавий эҳтиёжларига нисбатан муносабати;
- ахлоқий маъёрлар ва қадриятларни ташувчиси эканлигига муносабати.

Психологик мазмун кўрсаткичи бўйича инсонни:

- ўзининг сенсомотор хусусиятлари ва инструментал иқтидорига бўлган муносабати;
- ўзининг интеллектуал қобилиятларига муносабати;
- ўзининг эмоционал ҳолатларига муносабати;

<sup>18</sup> Выготский Л. С. Избранные психологические исследования. – М.: Академия наук, 1956. – С.53–69.

<sup>19</sup> Деннет Дэниел С. Виды психики: На пути к пониманию сознания. - М.: Идея-Пресс, 2004. –С.6-7.

- ўзининг иродавий хусусиятларига муносабати;
- ўзининг фаолият маҳсулуга муносабати;
- ўзига нисбатан индивидуал инсон мазмунидаги муносабати.

Назарий жиҳатдан инсонни ўзига бўлган муносабати:

- иқтидорларини намоён этиш;
- интрокоммуникацияни амалга ошириш;
- ички хотиржамликни сақлаш;
- маънавий дунёсини бойитиш;
- психологик ҳимояни таъминлаш;
- хулқ-авторини тартибга келтириш;
- ўтмишдаги “Мен”и ва ҳозирги “Мен”нидаги ҳолатларни ажрата олиши;

Психологик регуляцияни таъминлаш каби функцияларни бажаришини инобатга олсақ, бунда инсонни ўзига бўлган муносабати полуфункционал эканлигини кўрсатади.

Полуфункционаллик, ўз навбатида индивидуал маънавиятнинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Психологик фаолиятда “Hi-tech” (юқори технология)ларни фаол қўллаш психологияк диагнозни аниқлилиги ва психологик коррекция предметини тўғри белгилашни таъминлаш учун самарали ҳисобланади. Нотердам университетининг профессори Жанет А. Коурани бу хусусда алоҳида тўхталиб, “инсонни когнитив, эмоционал ва жисмоний маҳдудликдан чиқаришда замонавий ва технологик ишланмалардан фойдаланиш ҳолатларини кузатилиши<sup>20</sup>ни, яъни психокоррекциявий ва нотиббий психотерапия воситаларидан фойдаланиш мавжудлигини кўрсатиб ўтган. Баку университети профессори Кизилгул Аббасова психологик коррекция ёки психотерапия инсоний сифатларни эгаллаш, муносабатлар мазмундорлигини таъминлашни яхшиланганлигида ифодаланади<sup>21</sup>, деб фалсафа ва когнитив психологиянинг алоқадорлигини белгилаб берган. Инсоннингижобий ўзгариши эса, инсон тана аъзолари ҳаракати, мия фолияти, яхлит организм ёки унинг алоҳида қисмлари ўз функциясини сифатли бажарилиши, психофизиологик ўзига хосликларни самарали амал қилишини таъминланганлигида, билувчи (ўрганувчи) ва рационал бўлишида технологик ўзгаришлар сабаб бўлганлигини билдиради. Гоҳида тажрибавий усуслар воситасида, баъзида математик моделлаштириш ёрдамида психик жараёнларни ўрганиш аслида инсонда ифодаланган сифатларни яхшилашга, унда инсонийликни шаклланишини таъминлашга, инсонийлаштиришга қаратилгандир. Инсондаги номақбул сифатларни, хулқ-автор намунасини ўзгартириш, яъни мақбул сифатларни ривожлантириш, ибратли хулқ-автор намунасини шакллантиришга қаратилган амалларнинг (психокоррекция, нотиббий психотерапия) ғояси турли даврларда вужудга келган теологик, бадиий, фалсафий ва психологик таълимотларнинг мазмунида ўз аксини топган.

<sup>20</sup> Kourany J.A. Human Enhancement: Making the Debate More Productive. Erkenntnis, 79(S5), 2014. –Pp. 981-998.

<sup>21</sup> Аббасова К.Я. Когнитивная психология и философия: проблемы сосуществования // Вектор науки ТГУ. 2010. № 3. -С.9–11.

Ижтимоий-маданий жараёнлар тизимида инсонни муносабат билдириш шаклидаги қўполлик ёки ҳатдан ортиқ юмшоқлиги, камситилганлиги ёки эркинликни яққол ифодаланганлиги сабаб бўлади. Жисмоний танада қадриятли инсоний сифатларни мужассамлашганлиги идеал саналиб, атомар индивидларни шакллантириш, шарафсиз одамларни кўпайтириш оқибатда гурух, жамоа ва жамиятнинг маънавий ҳаётини парчалаш учун олиб борилаётган ҳаракатлар авж олган бир даврда, инсонийлик феноменини структуравий аҳамиятдорлигидан кўрса. функционал аҳамиятдорлигини таъминлаш давр таҳдидига (шу жумладан миллий қадриятлар деформациясини амалга ошириш, этник сепратизм ҳаракатларни вужудга келтиришни амалга оширишга қаратилган психологик ҳужумга, деантропологизация каби салбий психологик таъсирларга) жавоб саналанади. Атомар индивидлар деганда - этник мансублигини билмайдиган, миллати ва халқинининг ҳаётидан айрилган, наслу наسابини, миллий қадрият ва ахлоқий меъёрларни унутган, ўзи учун гўёки “умуминсоний қадриятлар”ни меъёр деб белгилаб, итоаткорона фаолият юритиб, енгил “қолипли ҳаёт тарзи”ни эгаллаганларни назарда тутиш лозим. Атомар индивидлар типологияси, айрим жиҳатлари билан “манқурт” (Ч.Айтматовнинг бадиий концепциясининг тавсифи бўйича), “истеъмолчи” (И.Л.Зеленкова ва Е.В. Беляеванинг ахлоқий классификацияси бўйича), “шарафсиз” (Р.С.Самаровнинг маданий-психологик таснифи бўйича) каби типдаги индивидларнинг психологик характеристикасига ўхшаш саналсада, аммо таркибий-тузилмавий жиҳати ва функциялари бўйича бир-биридан айри ҳисобланади.

Инсонни маънавий ва маданий таҳдидлардан асраш, мураккаб ва узоқ давом этадиган ҳимоя тури саналиб, уни маънавий дунёси ва психологик оламини муҳофазасини таъминлашни тақозо этиб<sup>22</sup>, ота-оналар, бобо-бувилар, тарбиячилар, ўқитувчилар, олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар бу вазифани бажарадиганлар, таъминловчилар ҳисобланадилар. Бу жараёнда, индивидуал маънавий дунё ва психологик ҳолатни инсонни ўзи томонидан таъминланиши ёки бошқалар (ота-оналар, тарбиячи, устоз ва б.) томонидан амалга оширилиши руҳият хотирасининг таъсири ва иштирокини алоҳида инобатга олишни талаб этади. Психология фанлари доктори, профессор, академик Владимир Петрович Зинченко “руҳият хотираси тарихий хотирадан фарқланиб, биринчиси қанчалик тузилмавий ва синхронли бўлмасин мунчаям хронологик эмас<sup>23</sup>”лигини кўрсатиб ўтган. Бизнингча, руҳият хотираси, бу - инсонга мансуб бўлган маданий-биологик бирлик анъанасининг моҳияти ва мазмундорлиги, қадриятлар тизимининг қамровини шакл ва мазмунини сақловчи саналиб, тарихий давр давомида шаклланади, ривожланади, инқирозга юз тутади ва қайта тикланади. Шарафсиз типидаги индивидларни

<sup>22</sup> Садриддинов С., Садриддинов С. Шахс камолоти назариялари тизимида шарқона модел // Psixologiya va sotsiologiya ilmiy jurnali. 17 Dekabr / 2023 Yil / 1 – Son. –B.46-50.

<sup>23</sup> Зинченко В.П. Размышления о душе и её воспитании // Вопросы философии. 2002. -№ 2. - [https://psychlib.ru/mgppu/Zro-001/Zro-001.htm#\\\$p3](https://psychlib.ru/mgppu/Zro-001/Zro-001.htm#\$p3)

оммавийлаштиришга, атомар типдаги одамларни шакллантиришга қаратилган маданий экспансия таъсиридан сақланишда руҳият хотираси ҳимоявий қабоғнинг бош манбааси ҳисобланади. Руҳият хотираси маънавиятни камол топтириш давомида регулятив ва йўналтирувчи, аккумулятив ва ҳимояловчи функцияларни бажариб, мақсадга мувофиқ ва мақсадга мувофиқ эмас каби ижтимоий меъёрларга амал қилишни таъминлайди. Шу тариқа:

Инсон, табиатан жисмоний тана ҳамда маънавий ва психологик тузилмалардан таркиб топган бўлиб, жисмоний тарбия машқларини бажариш, маънавий етуклигга эришиш тартибига амал қилиш ва психологик ривожланиш психотехникаларини амалга ошириб, инсонийлик сифатларини эгаллашга ва уни сайқаллашга, ўзининг ички дунёсига “ғулғула соглан тўфон”дан (сабабсиз хавотирланишдан) халос бўлишга, хулқ-атворида ифодаланган турли оғишларни силлиқлашга, ҳаракатларида ифодаланган нуқсонни ислоҳ қилишга ҳаракат қилувчи, тазкия топувчи (покловчи) саналади;

хулқ-атвор – ҳаракат, биологик, ижтимоий ва маънавий эҳтиёжни қондириш, ижтимоий муҳитни ўзгартириш ёки унга мослашишни таъминловчи, инсон организмининг яхлит мажмуавий ҳолатидир. Хулқ-атвор намунаси мақсади жиҳатидан бирон бир эҳтиёжни қондиришга қаратилган бўлиб, айнан шу кўрсатгич асосида типларга (масалан, ҳимоявий хулқ-атвор) ажратилади;

руҳият хотираси, инсон мансуб бўлган биологик-маданий бирлик анъанасининг моҳияти ва мазмундорлиги, қадриятлар тизимининг мазмунли қамровини сақловчи саналиб, тарихий давр давомида шаклланади, ривожланади, инқирозга юз тутади ва қайта тикланади.

## **АДАБИЁТЛАР:**

1. Аббасова К.Я. Когнитивная психология и философия: проблемы существования // Вектор науки ТГУ. 2010. № 3. -С.9-11.
2. Андронов В.П. Психология духовности человека // Вестник МГУ. 2007, №2. – С.42-49.
3. Выготский Л. С. Избранные психологические исследования. – М.: Академия наук, 1956. – 519 с.
4. Деннет Д.С. Виды психики: На пути к пониманию сознания. - М.: Идея-Пресс, 2004. -184 с.
5. Зинченко В.П. Размышления о душе и её воспитании // Вопросы философии. 2002, № 2. - [https://psychlib.ru/mgppu/Zro-001/Zro-001.htm#\\$p3](https://psychlib.ru/mgppu/Zro-001/Zro-001.htm#$p3)
6. Келли Дж.А. Теория личности. Психология личностных конструктов. - Санкт-Петербург: Речь, 2000. - 249 с.
7. Мутаххари М. Человек и вера. Человек с точки зрения Корана. - М.: «Исток»; Серия «Знакомство с исламом», 2009. – 168 с.
8. Потемкина О. Ф., Потемкина Е. В. Психологический анализ рисунка и текста. - СПб.: Речь, 2006. -524 с.

9. Проблема субъекта в психологической науке / Отв. ред.: А.В. Брушлинский, М.И. Воловикова, В.Н.Дружинин. - Москва: «Академический Проект», 2000. - <https://psihdocs.ru/rossijskaya-akademiya-nauk-v3.html>
10. Садриддинов С., Садриддинов С. Шахс камолоти назариялари тизимида шарқона модел // Psixologiya va sotsiologiya ilmiy jurnali. 17 Dekabr / 2023 Yil / 1 – Son. -Б.46-50.
11. Самаров Р. Таълим тизимида дин психологияси (тизимли-функционал ёндашув) // Замонавий таълим. 2013, 8-сон. – Б. 25-31.
12. Самаров Р. Инсон камолотини таъминлашда адабиёт: структуравий-функционал жиҳат // Ўзбекистонда хорижий тиллар. Илмий – методик электрон журнал. №1 (15) / 2017. –Б.188-195. - <https://journal.fledu.uz/ru/>
13. Седанкина Т.Е. Психология духовного развития / Учебное пособие. – Казань: ИД «Меддок», 2020. – 140 с.
14. Тоҳир Малик “Одамийлик мулки” – “Хусну хулқ” (Ахлоқ китоби). – Т.: Sharq, 2018. – 936 б.
15. Фуко М. Герменевтика субъекта. - Санкт-Петербург: Наука, 2007. - 680 с.
16. Хоружий С.С. Очерки синергийной антропологии. - М.: Институт философии, теологии и истории св. Фомы, 2005. - 408 с.
17. Шайх Мұхаммад Содиқ Мұхаммад Юсуф. Рұхий тарбия – Покланиш китоби. – Т.: Hilol-Nashr, 2020. – 480 б.
18. Яхин Ф.Ф. Теоретические основы оказания религиозно ориентированной психологической помощи: Российский Исламский дискурс. Minbar. Islamic Studies. 2018;11(3). -C.667-678.
19. Bostrom N. Dignity and Enhancement/ Oxford Future of Humanity Institute. -<https://nickbostrom.com/ethics/dignity-enhancement.pdf>
20. King D. Rethinking claims of spiritual intelligence: A definition, model, and measure // Master's Thesis, in preparation. Trent University, Peterborough, Ontario, Canada, 2007. -Pp.76.
21. Kourany J.A. Human Enhancement: Making the Debate More Productive. Erkenntnis, 79(S5), 2014. -Pp. 981-998.
22. Samarov R.S., Amirxo'jayev Sh.Q., Sadriddinov S.R. Inson kamolotini ta'minlashda nazariy ta'lilotlar: konseptual asoslarning takomillashuvini metodologik jihatlari // Scientific Bulletin of NamSU - Научный вестник НамГУ - NamDU ilmiy axborotnomasi. 2024-yil 1-son. -B.184-188.
23. Theological Reflection: Methods. By Elaine, Graham, Heather Walton, and Frances Ward // [Electronic resource]. - [http://www.academia.edu/28819504/Theological\\_Reflection\\_Sources\\_By\\_Elaine\\_Graham\\_Heather\\_Walton\\_and\\_Frances\\_Ward](http://www.academia.edu/28819504/Theological_Reflection_Sources_By_Elaine_Graham_Heather_Walton_and_Frances_Ward)